



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

2 (88) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

2 (88)

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

2026 февраль

УДК 618.2-07:614.2

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИДА АСОРАТЛАНМАГАН
ХОМИЛАДОРЛИКНИ ОЛИБ БОРИШ: АЁЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚАБУЛ ВА
МАСЛАҲАТЛАШ АЛГОРИТМИ**

Камалов Анвар Ибрагимович <https://orcid.org/0000-0003-3011-6998>

Самарқанд давлат тиббиёт университети Ўзбекистон, Самарқанд, Амир Темур 18,
Тел: +99818 66 2330841 E-mail: sammu@sammu.uz

✓ **Резюме**

Бирламчи бўғинда асоратланмаган ҳомиладорликни олиб боришда доя томонидан кўрсатиладиган аёлга йўналтирилган парвариш перинатал натижаларни яхшилаш, ортиқча аралашувларни камайтириш ҳамда аёлнинг эҳтиёжлари ва истакларини ҳисобга олишга хизмат қилади. Ушбу мақолада биринчи мурोजаатдан бошлаб ҳар бир қабулда умумий ҳолатни баҳолаш, хавф омилларини скрининг қилиш, мажбурий текширувларни режаслаштириш, руҳий саломатлик ва уйдаги зўравонлик омилларини аниқлаш, ҳамда тузруққа тайёргарлик бўйича маслаҳат беришнинг қисқартирилган алгоритми келтирилади. Алгоритм фойдали мулоқот, хавфсиз муҳит, ҳужжатлаштириш ва заруратда мутахассисга йўллаш тамойилларига асосланади.

Калит сўзлар: доя, антенатал парвариш, бирламчи бўғин, алгоритм, скрининг, маслаҳатлаш, руҳий саломатлик, хавф омиллари

**ВЕДЕНИЕ НЕОСЛОЖНЁННОЙ БЕРЕМЕННОСТИ НА ПЕРВИЧНОМ УРОВНЕ:
АЛГОРИТМ ПРИЁМА И КОНСУЛЬТИРОВАНИЯ, ОРИЕНТИРОВАННЫЙ НА
ЖЕНЩИНУ**

Камалов Анвар Ибрагимович <https://orcid.org/0000-0003-3011-6998>

Самаркандский государственный медицинский университет Узбекистан, г.Самарканд,
ул. Амира Темура 18, Тел: +99818 66 2330841 E-mail: sammu@sammu.uz

✓ **Резюме**

Ориентированная на женщину акушерская (доула/акушерка) модель наблюдения неосложнённой беременности на первичном уровне способствует улучшению перинатальных исходов, снижению необоснованных вмешательств и повышению удовлетворённости пациенток. В статье представлен сокращённый алгоритм работы акушерки: оценка общего состояния и жалоб на каждом визите, скрининг факторов риска, планирование обязательных обследований, выявление психосоциальных проблем и возможного домашнего насилия, а также консультирование по подготовке к родам и послеродовому периоду. Алгоритм построен на принципах безопасной коммуникации, системного мониторинга, документирования и маршрутизации при выявлении отклонений.

Ключевые слова: акушерка, антенатальный уход, первичное звено, алгоритм, скрининг, консультирование, психическое здоровье, факторы риска

**PRIMARY-LEVEL CARE FOR UNCOMPLICATED PREGNANCY: A WOMAN-CENTERED
CONSULTATION AND COUNSELLING ALGORITHM**

Kamalov Anvar Ibragimovich <https://orcid.org/0000-0003-3011-6998>

Samarkand State Medical University Uzbekistan, Samarkand, st. Amir Temur 18,
Tel: +99818 66 2330841 E-mail: sammu@sammu.uz

✓ **Resume**

Woman-centered midwife-led care for uncomplicated pregnancy at the primary level can improve perinatal outcomes, reduce unnecessary interventions, and better address women's individual needs and preferences. This paper presents a concise consultation algorithm covering: assessment of wellbeing and symptoms at each visit, risk-factor screening, planning of mandatory tests, identification of mental-health concerns and potential domestic violence, and counselling for birth preparedness and the postnatal period. The algorithm is grounded in safe communication, systematic monitoring, proper documentation, and timely referral when abnormalities are detected.

Keywords: midwife, antenatal care, primary care, algorithm, screening, counselling, mental health, risk factors

Долзарблиги

Сўнгги йилларда перинатал хизматларда аёлга йўналтирилган парвариш ва доялар ролини кучайтириш тамойиллари кенг қўлланилмоқда [1,2,6]. Бирламчи бўғинда сифатли антенатал ёрдамнинг асосий вазифаси — ҳомиладорликни физиологик жараён сифатида қабул қилган ҳолда, хавф омилларини эрта аниқлаш, кутилаётган онанинг руҳий-ижтимоий эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш ва зарур ҳолларда юқори бўғинга маршрутизация қилишдан иборат [3,4,5].

Доя қабулларининг самарадорлиги фақат клиник кўрсаткичлар билан эмас, балки хавфсиз мулоқот, ишончли муносабат, ҳужжатлаштириш сифати ва профилактик маслаҳатлар билан ҳам белгиланади. Шунинг учун қабул структурасини стандартлаштириш амалиётда муҳим аҳамиятга эга [1,3,6].

Тадқиқот мақсади: Асоратланмаган ҳомиладорликни бирламчи бўғинда олиб бориш учун доя қабулларининг қисқартирилган алгоритмини тақдим этиш ва унинг амалий қадамларини ёритиш.

Материал ва текшириш усуллари

Мақолада миллий антенатал парвариш протоколи ва 2025 йилги услубий тавсиянома талаблари асосида қабулнинг тузилиши, скрининг ва маслаҳатлашнинг минимал зарур ҳажми тизимлаштирилди. Тавсиялар профилактик ёндошув, хавф омилларини баҳолаш ва бирламчи–иккиламчи бўғин ўртасидаги ҳамкорлик тамойилларига асосланади.

Натижа ва таҳлилар

Бирламчи қабулда аёлнинг умумий аҳволи, анамнези, репродуктив режалари, овқатланиш ва ҳаёт тарзи, мавжуд соматик касалликлар ҳамда дори қабул қилиш ҳолати баҳоланади. Кейинги қабулларда ҳам ушбу йўналишлар динамик равишда қайта кўриб чиқилади.

Ҳар бир қабулда қуйидагилар таъминланиши лозим: (1) артериал қон босимини ўлчаш, (2) протеинурияни аниқлаш учун сийдик таҳлили, (3) вазн ва заруратда ТВИни ҳисоблаш, (4) хавф белгиларини сўраш ва тушунтириш, (5) натижаларни аёл билан муҳокама қилиш ва индивидуал картага қайд этиш.

Аёлнинг руҳий саломатлиги, уйдаги зўравонлик эҳтимоли, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ресурслар ҳақида мулоқот қилиш тавсия этилади. Қийин вазиятлар аниқланса, тегишли мутахассис (психолог/психиатр) ёки ижтимоий хизматларга йўллаш механизмлари ишга туширилади.

Ушбу алгоритм ҳомиладор аёлни қабул қилиш вақтида баҳолаш ва маслаҳат беришни бир хил тартибда, тез ва самарали ташкил этиш учун мўлжалланган. Қабулнинг биринчи қисмида умумий саломатлик ҳолати баҳоланиб, шикоятлар, ўзини ҳис қилиш ва хавф белгиларининг мавжудлиги сўралади; симптомлар динамикаси қайд этилади ва зарурат бўлса, шошилинч равишда йўналтириш кўриб чиқилади. Кейин ВТЭ хавф омиллари (оғир касаллик, жарроҳлик амалиёти, узоқ ҳаракатсизлик) аниқланади ва хавф юқори бўлган ҳолларда акушер-гинеколог маслаҳати тавсия этилади.

Қабулда қабул қилинаётган барча дори-дармонлар, биокўшимчалар ва ўсимлик воситалари қайта кўриб чиқилиб, кераксиз ёки хавфли препаратларни тўхтатиш ҳамда хавфсиз қабул

схемасини тушунтириш муҳим ҳисобланади. Руҳий саломатлик алоҳида баҳоланади: кайфият, уйқу, хавотир ёки депрессия белгилари сўралиб, хавф аниқланса психолог/психиатрга йўллаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланади. Имконият бўлса, уйдаги зўравонлик хавфи яккама-якка, хавфсиз муҳитда баҳоланиб, ёрдам хизматлари ва мурожаат манзиллари ҳақида маълумот берилади.

1-жадвал.

Қабул пайтида баҳолаш ва маслаҳатлашнинг қисқартирилган алгоритми

№	Йўналиш	Амалга ошириладиган иш	Қўшимча изох / тавсиялар
1	Умумий саломатлик ҳолати	Шикоятлар, ўзини ҳис қилиш, хавф белгиларини сўраш	Симптомлар динамикасини қайд этиш; хавф бўлса — шошилишч йўллаш
2	ВТЭ хавфи	Сўнгги ташрифдан бери оғир касаллик/жарроҳлик/узок ҳаракатсизликни аниқлаш	Хавф омиллари бўлса — акушер-гинеколог маслаҳати
3	Дори-дармонлар	Рецептли/рецептсиз дори, қўшимча ва ўсимлик воситаларини сўраш	Кераксиз/хавфли препаратларни тўхтатиш бўйича тушунтириш
4	Руҳий саломатлик	Кайфият, уйқу, хавотир/депрессия белгилари	Хавф бўлса — психолог/психиатрга йўллаш, қўллаб-қувватлаш
5	Уйдаги зўравонлик	Имконият бўлса, яккама-якка суҳбатда хавфни баҳолаш	Хавфсиз муҳит; ёрдам манзиллари ҳақида маълумот
6	Қон босими ва сийдик	АҚБни ўлчаш, протеинурия учун сийдик таҳлили	Гипертензия/протеинурия — преэклампсия скрининги ва йўллаш
7	Утерус/фундус баландиги	Бачадон туби баландигини ўлчаш (муддатга мос)	Номувофикликда УТТни режалаштириш
8	Қон таҳлиллари	Гемоглобин ва бошқа мажбурий таҳлиллар натижаларини кўриб чиқиш	Анемия/сенсibiliзация хавфида — қўшимча чоралар
9	Ҳомила қимирлаши	Қимирлаш хусусиятлари ва хавотирларни сўраш	Қимирлаш камайса — шошилишч мурожаатни тушунтириш
10	Туғруққа тайёргарлик	Туғруқ режаси, оғрикни енгиш усуллари, эмизиш	Аёл ва шерикни қарор қабул қилишга жалб этиш

Физик кўрик қисмида артериал қон босими ўлчанади ва сийдик таҳлили орқали протеинурия баҳоланади; гипертензия ёки протеинурия кузатилса, преэклампсияга скрининг ва тезкор йўналтириш масаласи ҳал этилади. Бачадон туби баландиги муддатга мос равишда ўлчаниб, номувофиклик аниқланса УТТни режалаштириш тавсия этилади. Лаборатор маълумотлардан гемоглобин ва бошқа мажбурий таҳлиллар натижалари кўриб чиқилади; анемия ёки сенсibiliзация хавфи мавжуд бўлса, қўшимча текширув ва профилактик/даволаш чоралари белгиланади. Шунингдек, ҳомила қимирлаши бўйича аёлнинг кузатувлари ва хавотирлари тингланади; қимирлаш камайган ҳолларда шошилишч мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилади. Қабулнинг якунида туғруққа тайёргарлик (туғруқ режаси, оғрикни енгиш усуллари, эмизиш) муҳокама қилиниб, аёл ва шерикни қарор қабул қилиш жараёнига фаол жалб этиш тавсия этилади.

Ушбу жадвал 16-ҳафтадаги қабул вақтида ҳомиладор аёл билан профилактик суҳбатни тизимли ўтказиш учун мўлжалланган. Суҳбат давомида умумий ҳолат ва шикоятлар динамикаси аниқланади, ВТЭ (венотромбоземболия) хавф омиллари сўралади, қабул қилинаётган дори-дармонлар ва қўшимчалар қайта кўриб чиқилади. Шунингдек, руҳий

саломатлик (уйқу, хавотир, депрессия белгилари) баҳоланиб, уйдаги зўравонлик хавфи мавжудлигини эҳтиёткорона аниқлаш тавсия этилади. Аёл (ва заруратда шерик)ни қизиқтирган қўшимча саволлар тингланади ҳамда клиник ҳолатга қараб қўшимча текширувлар ёки тор мутахассис маслаҳатига йўналтириш амалга оширилади.

2-жадвал.

3-16-ҳафтада қабулда суҳбат йўналишлари

№	Сўров йўналиши	Нима ҳақида сўраш керак	Қисқа ҳаракат/изоҳ
1	Умумий ҳолат	Шикоятлар, ўзини ҳис қилиш, ўтган касалликлар	Жиддий муаммода — алоҳида баҳолаш ва йўллаш
2	ВТЭ хавфи	Оғир касаллик, жарроҳлик, узок ҳаракатсизлик	Хавф бўлса — ВТЭ хавфини алоҳида баҳолаш
3	Дори-дармонлар	Қабул қилинаётган барча препаратлар ва қўшимчалар	Кераксиз дориларни аниқлаш, хавфсиз схемани тушунтириш
4	Рухий саломатлик	Кайфият, уйқу, хавотир, депрессия белгилари	Белгилар бўлса — мутахассисга йўллашни тавсия этиш
5	Уйдаги зўравонлик	Жисмоний/руҳий/иқтисодий зўравонлик эҳтимоли	Хавфсиз тинглаш; муҳофаза ва ёрдам ресурслари
6	Қўшимча саволлар	Аёл (ва шерик)ни қизиқтирган саволлар	Керак бўлса — қўшимча текширув/мутахассис

Хулоса

Бирламчи бўғинда доя томонидан амалга ошириладиган стандартлаштирилган қабул алгоритми аёлнинг клиник ҳолатини тизимли мониторинг қилиш, профилактик маслаҳат бериш ва ижтимоий-руҳий хавф омилларини эрта аниқлаш имконини беради. Бу ёндашув акушер-гинеколог билан ҳамкорликда ўтказилганда, асоратларни эрта таниб олиш ва ўз вақтида йўллашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Национальный клинический протокол «Аntenатальный уход». Ташкент, 2021.
2. Агабабян Л.Р., Камалов А.И. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида асоратланмаган ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми (услубий тавсиянома). Самарқанд, 2025.
3. World Health Organization. WHO recommendations on antenatal care for a positive pregnancy experience. Geneva: WHO; 2016.
4. World Health Organization. WHO recommendations on maternal and newborn care for a positive postnatal experience. Geneva: WHO; 2022.
5. Atrash H., Johnson K., Adams M., Cordero J., Howse J. A national agenda for maternal and child health: “Closing the gap”. Maternal and Child Health Journal. 2009;10(5):3–11.
6. Schwarz E., McClure C., Tepper P., et al. The impact of pregnancy complications on long-term maternal health. Obstetrical and Gynecological Surveys. 2010;65(1):41–48.

Қабул қилинган сана 20.01.2026